

**“O`ZENERGOINJINIRING” АЖ нинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш
иштирокчиларини рўйхатга олиш натижалари, кун тартибидаги масалалар ва
овоз бериш натижалари бўйича санок комиссияси мажлисининг
БАЁННОМАСИ.**

г. Тошкент, Яшнобод тумани,
М. Ашрафий, 1 тор кўча, 9 уй.

Сана: 26.12.2022й.

Санок комиссияси таркиби:

Раис: Янкуев И.М.
Комиссия аъзолари: Федотчева Е.В.
Рогожина Н.В.

Ушбу баённомани куйдаги таркибда туздик:

Марказий рўйхатга олувчи томонидан 2022 йил 20 декабр ҳолатига кўра шакиллантирилган “O`ZENERGOINJINIRING” АЖ акциядорлари реестрига кўра, овоз беришда жамиятнинг 271 нафар акциядорларига тегишли 49 687 400 дона овоз берувчи акциялар иштирок этиши мумкин. Акциядорларнинг рўйхатга олиш якунига кўра, жами 46 551 400 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 10 та акциядорлар, шу жумладан уларнинг вакиллари рўйхатга олинди, бу муомиладаги овоз берувчи акциялар умумий сонининг 93,69 фоизини, шу жумладан меҳнат жамоаси аъзоларига эгалик қилувчи ва овоз бериш ҳуқуқи 141400 дона номдаги акциялар, бу оддий номдаги акциялар умумий сонининг 0.28 фоизини ташкил этади. Бюллетенлар йиғилишда қатнашган барча акциядорлар томонидан қабул қилинди.

“Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш туганлаган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Кворум мавжуд туфайли санок комиссияси мажлис очилиши мумкинлигини аниқлади. Акциядорларга овоз бериш учун 10(ўн) та ягона бюллетенлар берилди, унда йиғилишда кўриб чиқилган ва тасдиқланган кун тартибидаги барча масалалар кўрсатилган. Регламентга кўра, бюллетенга киритилган кун тартибидаги масала кўриб чиқилгандан сўнг овоз бериш ўтказилди. “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг овоз берувчи акциялари эгалари акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунингдек юқоридаги Қонуннинг 69 моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси-битта овоз” тамойили бўйича амалга оширилади. Овоз бериш якунлангач, бюллетенлар санок комиссиясига топширилди. Яроқсиз сайлов бюллетенлари аниқланмади.

Овоз бериш натижалари:

Кун тартиби биринчи масала юзасидан:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

Овоз қўйилган савол матни:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Маъқул” – 46551400 овоз (бир овоздан), “қарши”- йўқ”, “бетараф” – йўқ.

Тасдиқлансин:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Кун тартиби иккинчи масала юзасидан:

“O‘ZENERGOINJINIRING” АЖ нинг жорий хўжалик фаолияти жараёнида аффилланган шахслар билан 2023 йилда амалга оширилиши мумкин бўлган битимларнинг 1-сонли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

Овоз қўйилган савол матни:

“O‘ZENERGOINJINIRING” АЖ нинг жорий хўжалик фаолияти жараёнида аффилланган шахслар билан 2023 йилда амалга оширилиши мумкин бўлган битимларнинг 1-сонли рўйхати тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Конунининг 8 боб 88 моддасига мувофиқ Жамиятнинг аффилланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши еки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қилиётганда муҳокамада иштирок этишқа ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Маъқул” – 3091200 овоз (бир овоздан), “қарши”- йўқ”, “бетараф” – йўқ.

Тасдиқлансин:

“O‘ZENERGOINJINIRING” АЖ нинг жорий хўжалик фаолияти жараёнида аффилланган шахслар билан 2023 йилда амалга оширилиши мумкин бўлган битимларнинг 1-сонли рўйхати тасдиқлансин.

Санок комиссияси раиси

Янкуев И. М.

Санок комиссияси аъзолари

Федотчева Е.В.

Рогожина Н.В.

26.12. 2022 й.